# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПАРТИЯ ПРОГРАММАСИНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

*Сиёсий суҳбатлар*

КПСС XXVII съезди партия учинчи Программасининг янги таҳрирдаги вариантини қабул қилди. Ҳа, партиянинг янги — тўртинчи Программасини эмас, балки ҳозирда амал қилаётган Программанинг янги таҳрирдагисини қабул қилди. Буни таъкидлаш нима учун зарур? Даставвал шунинг учунки, ҳар бир программа муайян тарихий босқичга мос бўлади. РСДРПнинг II съездида 1903 йилда қабул қилинган биринчи Программа социалистик революцияни амалга оширишга қаратилган эди. РКП (б)нинг VIII съездида 1919 йилда қабул қилинган иккинчи Программа тарихга СССРда социализм қуриш программаси сифатида кирди.

КПСС XXII съезди 1961 йилда учинчи Программани қабул қилди. Унда партия коммунистик жамият қуришга қаратилган йўлни эълон қилди, бу йўл бугунги кунда ҳам партиянинг стратегик мақсади бўлиб қолмоқда. Аммо ҳаёт, амалиёт бу мақсадга олиб борадиган йўлни ойдинлаштириш, конкретлаштиришга, программ ҳужжатни ортиқча деталлаштиришдан, коммунизмга яқинлашиш муддатлари хусусидаги асосланмаган прогнозлардан халос қилишга даъват этди.

Сўнгги чорак асрдаги жаҳон миқёсидаги ва ички ривожланиш КПСС учинчи Программасининг асосий қоидалари умуман олганда тўғри эканлигини тасдиқлади. Шунинг учун ҳам унинг янги таҳрирдаги вариантида илгариги таҳрирнинг давр синовидан ўтган туб назарий ва сиёсий дастурлари тўла асос билан такрор ёзиб қўйилди.

Шу билан бирга эришилган нарсаларга муносиб баҳо бериб, КПСС 70-йилларда ва 80-йиллар бошларида социал-иқтисодий ривожланишда пайдо бўлган қийинчиликлар ва номатлуб жараёнларга эътиборни жалб этди. Ана шу даврда экономика ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайиб кетди, самарадорликнинг бир қанча бошқа кўрсаткичлари ёмонлашди, фан-техника тараққиёти секинлашиб қолди, экономикада номутаносиблик кучайди. Беш йиллик план-топшириқлари бажарилмади, социал тадбирлар ҳам тўла ҳажмда амалга оширилмади.

Кўзга ташланиб қолган сусткашликнинг асосий сабаби шунда эдики, иқтисодий вазиятда рўй берган ўзгаришга ўз вақтида сиёсий баҳо берилмади, экономикани ривожланишнинг интенсив методларига ўтказишнинг жуда муҳимлиги ва долзарблиги идрок этилмади, хўжалик механизмини, хўжалик фаолияти психологиясининг ўзини қайта қуришнинг етилган масалаларини ҳал этишда сабот-матонат ва изчиллик кўрсатилмади.

Ҳаёт, унинг бугунги жўшқинлиги совет жамиятида янада сифат ўзгаришлари қилиш зарурлигини ўртага қўймоқда, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга халқнинг бутун ижодий потенциалини сафарбар этишни қатъиян талаб қилмоқда. Ана шундай шароитларда ҳозирги мавжуд вазиятни ҳисобга олишда ҳам ва истиқболни аниқ белгилаб беришда ҳам партия зиммасидаги масъулият ғоят кучайди. Буларнинг ҳаммаси КПСС Программасининг реал ҳаётга мос келмай қолган ёки лозим даражада иқтисодий ва сиёсий асослашларга эга бўлмаган бир қатор қоидалари ҳамда таърифларини танқидий қайта кўриб чиқишни, ойдинлаштиришни талаб этди. Партиянинг VII съездида иккинчи Программа муҳокама қилинаётган вақтда В. И. Ленин бундай деб таъкидлаган эди: «...Турмуш шундай тез қадамлар билан олға бормоқдаки, агар программага бир қатор тузатишлар киритиш керак бўлиб қолса, биз буни қиламиз. Энди бизнинг программамиз китоблардан олиб эмас, балки тажриба асосида, Совет ҳокимиятининг тажрибаси асосида тузилади».

Программанинг янги таҳририда совет жамияти ривожининг коммунистик истиқболига биринчи даражали эътибор берилди. Марксизм-ленинизмнинг ягона коммунистик формациянинг икки фазаси тўғрисидаги, социализмни такомиллаштириш олий фаза томон яқинлашиб боришнинг ўзи эканлиги хусусидаги энг муҳим ғояси Программага бошдан-оёқ сингдирилган.

Ҳозирги босқичда бу жараённинг асоси — мамлакат социал иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришдан иборатдир. Программада жадаллаштиришнинг зарурлиги асосланган, совет жамияти эришадиган тарихий марралар характерлаб берилган.

КПСС Программасининг янги таҳририда проблемалар мажмуи, жадаллаштиришнинг биринчи даражали аҳамиятга молик бўлган иқтисодий, социал ва сиёсий вазифалари, уларни ҳал этиш навбати белгиланган. Энг аввало, ишлаб чиқаришни илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш, жамият ишлаб чиқариш кучларини тубдан қайта ўзгартириш, меҳнат унумдорлигида жаҳондаги энг юқори даражага эришиш вазифаларини ҳал этиш таъкидланган.

Хўжалик механизмини такомиллаштиришга, планлаштиришга, уларнинг кўпроқ таъсирчан ва қайишқоқ бўлишига эришишга айниқса муҳим аҳамият берилади. Хўжаликни бошқариш соҳасида КПСС ўтказаётган кескин реформаларнинг маъноси шундаки, бутун ишлаб чиқаришимизни ижтимоий эҳтиёжларга, одамларнинг талабларини қондиришга амалда бўйсундириш, бошқаришни самарадорлик ва сифатни оширишга, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилишга, ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини, ташаббускорлигини ва халқ хўжалигининг ҳар бир бўғинида социалистик ишбилармонликни ривожлантиришга йўналтириш керак.

Социал адолат ва тенглик принципларини такомиллаштириш, «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган социалистик принципиаллик изчил амалга оширилган ҳолда фаровонликнинг янги, янада юксакроқ даражасини таъминлаш, синфлар ва социал группаларнинг янада яқинлашиши, асосан жамиятнинг синфсиз структурасини қарор топтириш, миллатларни равнақ топтириш ва яқинлаштириш, социал ва интернационал бирлик тимсоли бўлмиш совет халқини янада жипслаштириш, омманинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш — социал соҳада КПСС фаолиятининг асосий йўналишлари ана шулардан иборатдир. Бу жараёнлар социалистик ижтимоий мулкчиликнинг асосий формаларини, авваламбор давлат ва кооператив-колхоз мулкини яқинлаштириш, меҳнат шароитларини ҳар томонлама яхшилаш, жисмоний ва ақлий меҳнат функцияларини узвий қўшиш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни йўқотиш, тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш ва бошқа шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш базасида ривожланади.

Келгуси ўн беш йилликда совет халқи турмуш шароитларини яхшилашга йўналтириладиган ресурслар ҳажми икки марта кўпайди. Аҳоли жон бошига ҳисобланганда реал даромадларни 1,6—1,8 марта кўпайтириш мўлжалланади. КПСС уй-жой проблемасини тезроқ ҳал этишни алоҳида социал аҳамиятга эга бўлган иш деб ҳисоблайди. 2000 йилга бориб ҳар бир совет оиласи алоҳида уй-жойга — квартирага ёки шахсий уйга амалда эга бўлиши керак.

Сиёсий соҳада КПСС халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини янада ривожлантириш, гражданларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга тағин ҳам тўлароқ жалб этиш, халқ ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органлари ва меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, демократиянинг барча формаларидан самарали фойдаланиш вазифасини қўймоқда. КПСС социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириб ва такомиллаштириб, ошкораликни, қуйидан бўладиган назоратни кенгайтира бориб, давлатчиликнинг тўла барҳам топиши учун, коммунистик ўз-ўзини бошқариш барқарор бўлиши учун аста-секин шароитларни тайёрлай боради.

Янги инсонни шакллантириш ва тарбиялаш КПСС ҳал қилаётган программавий вазифалар қаторига киради. Тажриба шундан далолат берадики, социализм ғалаба қилганидан кейин ҳам социалистик жамиятнинг меҳнаткаш табиатига ёт бўлган қарашлар ва хулқ-атворларни бартараф қилиш вазифаси кун тартибидан олинмайди. Партия бундай сарқитларга нисбатан бетараф бўлолмайди, у кишиларнинг руҳий ривожланишларига коммунистик онглиликни мақсадни кўзлаб киритиб келди ва бундан кейин ҳам шундай қилаверади.

КПССнинг сабот билан олиб бораётган ғоявий-тарбиявий фаолияти туфайли ишчилар синфининг меҳнатсеварлик, интизомлилик, социал адолат идеаллари ва коллективизм принципларига садоқат, ватанпарварлик, интернационализм ва шунга ўхшаш энг яхши сифат ва хислатлари совет меҳнаткашлари кўпчилигининг мулкига айланмоқда. Партия илмий коммунизм идеаллари жамиятнинг барча аъзолари ҳаётий позицияларига, уларнинг ахлоқий нормаларига, эстетик дидларига, социал фаолиятларига сингиб кетишига эришишга ҳаракат қилаверади.

Программанинг янги таҳририда КПСС халқаро сиёсатининг принциплари ва мақсадлари очиб берилган. Партия СССР билан бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ролини оширишга, икки томонлама ва кўп томонлама программалар асосида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга биринчи даражали аҳамият беради.

КПСС социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар билан бирдамлик, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантираверади, озодликка эришган мамлакатлар революцион-демократик партиялари билан муносабатларни чуқурлаштиради. Партиямиз Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг империализм ва транснационал корпорациялар зулмига қарши одилона курашларини қатъий қўллаб-қувватлаб чиқади. КПСС — озодликка эришган мамлакатларнинг халқаро ишларда тўла ҳуқуқ билан қатнашишлари, уларнинг ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпайиши тарафдоридир.

Социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни характерлаганда, КПСС бир-бирига зид бўлган икки система ўртасидаги тарихий тортишувни тинч йўл билан ҳал этиш мумкин ва лозимлигидан келиб чиқади.

Урушни халқлар ҳаётидан чиқариб ташлаш, мустаҳкам, адолатли ва демократик тинчликни барқарор қилиш халқаро сиёсатнинг бугунги кундаги ва келажакдаги асосий масаласидир. КПСС Программасида тинчлик ва социализмнинг бир бутунлиги ғояси таъкидланган. Совет коммунистлари учун тинчлик — бу, ўз мамлакатлари социал-иқтисодий ривожини жадаллаштиришнинг зарур шартидир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида олға сурилган оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиб ташлаш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш программасини амалга ошириш учун кураш СССРнинг истиқболдаги ташқи сиёсатида марказий йўналишни ташкил этади.

Тарихнинг бориши давлатлар ва халқлар ўртасида бунёдкорлик мақсадларига асос бўладиган биргаликдаги ҳаракатларни йўлга қўйишни талаб этаётир. Икки системанинг мусобақаси, беллашуви ва ўзаро кураши билан жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ўзаро боғлиқлиги томон кучайиб борувчи тенденциянинг бирга қўшилиши — ҳозирги замон диалектикаси ана шундан иборатдир. Зиддиятли, ўзаро боғлиқ, кўп жиҳатдан яхлит дунё ана шундай қарама-қаршиликлар кураши орқали таркиб топиб бормоқда.

КПСС халқаро коммунистик ҳаракатнинг таркибий қисмидир. У ўзининг социалистик жамиятни такомиллаштириш ва коммунизм сари илгарилаб бориш соҳасидаги фаолиятини энг муҳим интернационал вазифа деб қарайди. Қардош партиялар билан муносабатларида КПСС пролетар интернационализми принципига қатъий амал қилади. Бу принцип революцион бирдамликни ҳам, ҳар бир партиянинг тўла мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишни ҳам узвий равишда қамраб олади.

КПСС социал ва миллий озодлик учун курашаётган барча кучлар билан бирдамликни, революцион-демократик партиялар билан, қўшилмаслик ҳаракати билан яқиндан алоқада ҳаракат қилишни, социал-демократия билан мулоқотлар ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг жўшқин тарафдори бўлиб чиқмоқда. Партия урушга қарши, халқаро хавфсизлик учун курашаётганларнинг ҳаммаси билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал йўлга амал қилади.

Янги тарихий шароитлар, ҳам ички ривожланиш, ҳам халқаро майдондаги воқеалар маъносида асрнинг поёнида мамлакатимиз олдида пайдо бўлган жуда мураккаб вазифалар жамият ҳаётида партиянинг роли янада ўсиб боришини тақозо этади, унинг ташкилотчилик ва сиёсий раҳбарлик фаолияти даражасига янги талаблар қўяди.

КПСС бундан буён ҳам синалган ленинча принципларни изчиллик билан қўллайверади, партиявий ишда, давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳамма соҳаларида ленинча услубни қарор топтиради. Ички партиявий демократияни янада ривожлантиради ва чуқурлаштиради, кенг ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдиради, бирорта партия ташкилоти ҳам, бирорта ходим ҳам контролдан четда қолмаслиги керак.

Партия бундан буён ҳам халқ олдидаги масъулиятини юксак ҳис этиш руҳида ҳаракат қилаверади, омма билан алоқаларини муттасил кенгайтириб ва чуқурлаштириб бораверади, унинг эҳтиёжлари ва ташвишлари билан яшайверади. У, халқ — тарихнинг ижодкори, коммунистик бунёдкорлик унинг қўли, ғайрат-шижоати, ақл-идроки билан амалга ошириладиган ишдир, деган марксча-ленинча қоидага асосланади.

**Борис БЕССОНОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**
**(АПН).**



**Андижон машинасозлик заводида рақамли программа билан бошқариладиган станоклардан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини ошириб, сарф-харажатларни камайтирмоқда.**

**Суратда: корхонанинг рақамли программа билан бошқариладиган станоклар оператори Борис Аронов ва унинг чаққон ёрдамчиси Ибодат Каримова.**

**Р. Ашуров** фотоси (ЎзТАГ).

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

**Республикамизда аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган врачлар оз эмас. Бироқ улар ичида ўз касбини эъзозламаётганлар ҳам учраб туради. Редакциямизга худди шундай мазмундаги ариза ва шикоятлар ҳам келиб турибди. Улар юзасидан текшириш ўтказган ташкилотлардан олинган расмий жавоблардан айримларини эълон қиляпмиз.**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ:**

**— «Коммунизм» колхозида яшовчи Т. Мамадалиевнинг Андижон область Ленин район марказий касалхонасида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканлиги ҳақидаги хати текширилди ва унда баён этилган фактлар тасдиқланди.**

**Район марказий касалхонаси ва область соғлиқни сақлаш бўлими буйруқлари билан даволаш ишлари устидан бўш назорат ўрнатганликлари ва беморларга қониқарсиз хизмат кўрсатганликлари учун район марказий касалхонаси бош врачи ўринбосари А. Умаровга, район юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи М. Фозиловга, бўлим мудири А. Юсуповга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.**

**Беморларни зарур дори-дармонлар билан ўз вақтида таъминламаганликлари учун район марказий касалхонаси бош врачи ўринбосари Х. Ёқубовга, юқумли касалликлар шифохонаси катта медицина ходими М. Йўлдошевга ҳайфсан берилди. Даволовчи врач М. Олимовнинг малака категорияси пасайтирилди, врачлардан Э. Комилов ва О. Юсуповлар бир ой муддат билан фельдшерлик лавозимига ўтказилдилар.**

**Районда беморларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида марказлашган лабораториялар ташкил этилмоқда, автотранспорт ажратилди.**

**НАВОИЙ ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:**

**— Конимех районидаги Охунбобоев кўчасида истиқомат қилувчи Г. Шерматованинг шикоят хати текширилди. Унда кўрсатилган фактлар тўғри. Беморга нисбатан совуққонлик ва бепарволик билан муносабатда бўлганликлари учун даволовчи врач И. Аҳаевга, навбатчи ҳамшира М. Ибраевага район марказий касалхонаси буйруғи билан қаттиқ ҳайфсан берилди. Навбатчи ҳамшира иши устидан назорат ўрнатмаганлиги учун юқумли касалликлар бўлимининг катта ҳамшираси У. Примбетова қаттиқ огоҳлантирилди.**

**Мазкур буйруқ Конимех район марказий касалхонаси врачлари ўртасида ишлаб чиқилди.**

**ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:**

**— Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозида яшовчи Т. Отажоновнинг хати юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Тошлоқ район ва область касалхоналари врачлари беморга медицина хизмати кўрсатишда эътиборсизликка йўл қўйганлар, унинг меҳнатга лаёқати масаласи ҳал этилмаган.**

**Область касалхонаси буйруғи билан врачлардан З. Дубровина, А. Дратва, А. Шалимовларга маъмурий жазо берилди. Шунингдек, Тошлоқ район марказий шифохонаси бўйича буйруқ билан врачлардан Ф. Узоқова, С. Абдурасулова, Х. Мамадалиева, Н. Ҳамидовлар ҳам тегишли жазо олдилар.**

## ТАРБИЯВИЙ ИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Олмаота, 22 декабрь. (ТАСС). Бугун Қозоғистон ЛКСМ Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитетининг раиси М. С. Соломенцев ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин Олмаота комсомол активлари билан суҳбатлашдилар. Партия XXVII съезди қарорларини амалга оширишда комсомолнинг конкрет қатнашуви тўғрисида, комсомол ташкилотларининг иш услуби ва методларини қайта қуриш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда, ташаббус ва фаолиятни ривожлантиришда уларнинг ролини кучайтириш ҳақида гап борди.

Ёшларнинг куч-ғайратлари ва шижоатларини виждонан самарали меҳнатга, қайта қуриш ва жадаллаштириш манфаатлари йўлида ҳар бир кишининг куч-қуввати ва қобилиятини тўла намоён этишга қаратиш зарур, деб таъкидланди суҳбатда. Комсомол ташкилотларининг интернационал ва ғоявий-маънавий тарбия борасидаги фаолиятида мавжуд жиддий камчиликларга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди. Расмиятчилик, қоғозбозликка, вужудга келувчи проблемаларни ҳал этишга юзаки, енгил-елпи ёндашиш практикасига қатъиян барҳам бериш, ҳамма ишларни бевосита меҳнат коллективлари ва ўқув юртларига олиб ўтиш, жонли мулоқот шаклларини топиш, йигит ва қизларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий активлигини кучайтириш керак.

Учрашувда М. С. Соломенцев ҳамда Г. В. Колбин билан бирга КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Е. З. Разумов, Олмаота область партия комитетининг биринчи секретари М. С. Мендибаев бўлдилар.

ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

# РАПО ЁРДАМГА МУҲТОЖ

**ёки Меҳнатобод районида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарликдаги «қўшҳокимиятчилик» ҳақида**

**Сирдарё областида «Совет Ўзбекистони» газетасининг ўз мухбири Ҳакимжон ХАЛИЛОВ иш бошлади. Бугун унинг дастлабки мақоласи босиляпти.**

Меҳнатобод райони Сирдарё областида энг сермуаммо районлардан биридир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш суръатлари бир жойда депсиниб турибди. Турар-жойлар, маданий-маиший объектлар суст қурилмоқда. Меҳнаткашлар учун иш шароити яхши эмас. Маҳсулот таннархи юқори. Ишчи кучлари етишмайди. Ўрта бўғин кадрларининг кўпчилиги малакасиз. Етакчи кадрлар қўнимсизлиги ва уларнинг тез-тез алмаштирилиши ҳоллари давом этмоқда.

1985 йилда район бўйича пилла, гўшт, сут, тухум, жун тайёрлаш давлат планлари бажарилган бўлса-да, асосий маҳсулот турлари бўйича натижалар кўнгилдагидек бўлмади. Пахта тайёрлаш — 90,3 процент, ғалла — 97,2, сабзавот — 47,5, полиз маҳсулотлари плани 36,9 процентда қолиб кетди.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Пахта тайёрлаш 74,28 процентда тўхтади. «Янгиер», «Пахтакор», Дзержинский номли совхозлардан бошқа хўжаликлар планларини бажармади. Пахта ҳосилдорлиги «Пахтакор» совхозида — 6,5, Ҳамза номли совхозда — 7,2, Охунбобоев номли совхозда — 8,1, Ғ. Юнусов номли совхозда — 9,8, район бўйича эса 8,8 центнерни ташкил этди. Районда ғалла тайёрлаш 64,9 процентда судралиб қолди. Полиз маҳсулотлари тайёрлаш эса 32,3 процентга аранг етди. Чорва моллари учун силос тайёрлаш 31 процент «адо» этилди. Фақат пилла, маккажўхори дони, гўшт, сабзавот, дағал хашак тайёрлаш планларининг зўр-базўр бажарилганлигининг ўзи бу соҳада бирор-бир силжиш рўй берди деб айтишга асос бўлолмайди, албатта.

**Хўш, районда ишни қайта қуриш соҳасида ўзгариш рўй бермаётганлигининг сабаблари борми? Ишга нималар халақит беряпти?** Район агросаноат бирлашмасининг етакчи мутахассислари билан қилган суҳбатимизда шу саволларга жавоб изладик.

— Биринчидан, районимиз областнинг энг шўрхок зонасига киради, — дейди РАПО кенгаши раиси Фарҳод Сулаймонов. — Жуда кўп ерларимиз шўрланиб кетган. Уларда капитал планировка ўтказиш лозим. Бир вақтлар қурилган ёпиқ дренажларнинг кўпи ишламай қолди. Сабаби, ўша шўрланган ерларда гипс қатламлари пайдо бўлди. Эндиликда шўрни қайта-қайта ювиш ишлари ҳам самара бермаётир. Иккинчидан, ишчи кучи етишмайди. Учинчидан, ишлаш ва яшаш учун шароит етарли эмас.

РАПО кенгаши раисининг планлаштириш ва экономика масалалари бўйича ўринбосари Очил Турдибеков ҳам шу гапларни тасдиқлади.

— Бизда муаммолар тўлиб ётибди, — давом эттирди кенгаш раисининг ўсимликлар ва деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича ўринбосари Ҳамид Маматқулов. — Ишимизга «қўшҳокимиятчилик» ҳалақит беряпти. РАПО ихтиёрида моддий ресурслар йўқ. Шу боисдан бирор хўжаликка ёрдам беришга ожизлик қиляпмиз. Сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш планини асосан уларни аҳолидан харид қилиб олиш ҳисобига бажаряпмиз. Совхозлар уруғни ер шароити тўғри келса ҳам, келмаса ҳам экаверишади. Чунки, «главка»дан кўрсатма ва тавсиялар бошқача бўлади-да, биздан ўзгача бўлади. Иккинчидан, ишчи кучи етишмайди. Охунбобоев номли, Ҳамза номли, Ғ. Юнусов номли, Дзержинский номли совхозлар бу борада катта муҳтожлик сезишмоқда. Лекин жойларда яшаш ва меҳнат шароити яхши эмаслиги туфайли янги келган ишчилар кетиб қолмоқдалар.

«Узсельхозхимия» район бирлашмасининг раиси Холйигит Райимбердиевнинг фикрича, кўпгина совхозларда ўғит сақлаш омборларининг торлиги ва уларнинг етишмаслиги катта зарар келтиряпти, Ғ. Юнусов номли, Охунбобоев номли совхозлардаги омборлар бор-йўғи 625 тонна атрофида ўғит қабул қила олади. Ваҳолонки, ҳар бир совхознинг ўғит фонди бундан 5—6 баравар кўп. Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги экинлари учун тонналаб ажратилаётган қимматли минерал ўғитларнинг исроф бўлмаслигига ким кафолат бера олади?!

Иброҳим Эшонқулов район агросаноат бирлашмасининг бош агрономи сифатида шу йил апрель ойидан буён ишлаяпти. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги, ишчи кучи етишмаслиги тўғрисидаги фикрни ойдинлаштириш учун унга ҳам савол бердик:

— Район бўйича қанча олий ва ўрта махсус маълумотли агрономлар ишлашяпти ёки қанча мутахассис етишмайди?

Таажжубки, саволга бош агроном жавоб беролмади. У хўжаликлардаги агрономларнинг қандай ишлаётганликлари тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмасди.

— Бу маълумотларни ҳам «главка»дан олсак бўлади-ю, лекин улар тез-тез ўзгартириб туришади-да — деди у бироз қизариб.

Қаранг-а, РАПОнинг бош агрономи бевосита ўз раҳбарлиги остида ишлаётган кадрлар тўғрисида тасаввурга эга бўлмаса?!

— «Қўшҳокимиятчилик» оқибати мана шу масалада ҳам кўриниб турибди, — деди раис ўринбосари Ҳамид Маматқулов ўртадаги хижолатпазликдан қутулиш учун. — Кадрларни «главка» қабул қилади, хоҳлаганда у ишдан бу ишга ўтказаверади. Кўп ҳолларда РАПО бундан бехабар қолади. Масалан, бу йил Охунбобоев номли совхозда ишни барбод бериб келаётган бош инженер Н. Нурбоевни «Янгиер» совхозига бош инженер қилиб ўтказишди. Биз эса буни кейин билиб қолдик.

Ҳа, уларнинг гапларида жон бор. Ҳисоб-китобларга қараганда, мавжуд 29 минг 295 гектар ҳайдаладиган ернинг 26,3 проценти ёки 8004 гектари ўта шўрланган, 17 проценти ёки 5669 гектари шўрланган, 29 проценти ёки 9440 гектари ўртача шўрланган, 6,2 проценти ёки 2015 гектари шўрланмаган ва қолгани озроқ шўрланган ерлардир. Охунбобоев номли, Ҳамза номли, Ғ. Юнусов номли, Дзержинский номли совхозларда кўпгина майдонларда ерлар шўрлаб кетмоқда. Жумладан, 6489 гектар ер деҳқончилик учун яроқсиз бўлиб, уни капитал планировка қилиш талаб этилади. Қарийб 10 минг гектар ерни эса жорий текислаш керак.

«Голодностепстрой»га қарашли янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси тавсияси билан узоқ йиллардан бери қўлланиб келинган «шиферли планировка» усули ўзини оқламади. Ҳозирги вақтда мутахассислар тахминича, қарийб 5 минг гектар ерда дренажлар ишламайди.

Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш бошланган йилларда айрим раҳбарларнинг кўрсатмалари билан нотекис ерлар ташлаб кетилиб, иш осон кўчиши мумкин бўлган ерларда совхозлар ташкил этилганлиги ва ҳозирги Меҳнатобод райони ерларини ўзлаштириш ҳам орқага сурилганлиги ана шундай муаммоларни келтириб чиқарди. Энг ачинарлиси шундаки, совхозлар қурилгани билан одамлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш масаласи орқага ташланди. Оқибатда ишчи кучи етишмай қолиб, малакали мутахассислар ҳам озроқ ишлаганларидан кейин «хайр-хўш» қилиш тараддудига тушдилар. Ҳозирги кунда район совхозларидаги бўлим бошқарувчилари ва агрономларнинг 60 процентга яқини олий маълумотга эга эмас.

Тан олиш керак, халқ депутатлари Меҳнатобод район Совети ижроия комитети хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик юзасидан қатор ишлар олиб бормоқда. Кейинги икки-уч йил ичида 22 минг квадрат метр турар-жой, 2 та ҳаммом, 140 ўринли болалар боғчаси, маиший хизмат уйи, сут ошхонаси қурилди. 450 квартира газлаштирилди. 25 километр масофадаги йўл капитал ремонт қилинди, айрим аҳоли пунктлари ободонлаштирилди. Биз район ижроия комитети биносида ўз кабинетида совқотиб ўтирган раис ўринбосари Бозорбой Ҳакимовга дуч келдик. У район маҳаллий Советларининг 231 нафар депутати фаолияти билан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Сўнгра биз хоналарнинг совуқлигига, одамлар учун шароит етарли эмаслигига ишора қилиб, унга савол назари билан қарадик.

— Буниси ҳали ҳолва, — деди ўринбосар.— Олтинчидан еттинчи декабрга ўтар кечаси бўлган шамол районимиз территориясида кучлироқ ўтди. Унинг тезлиги секундига 25 метрга етди. Анчагина уйларнинг томидан шиферлар учиб, синиб кетди. Янги қурилаётган сув минораси ағдарилиб тушди.

Сўнгра у шамолнинг тезлиги районда 25 метрга етганлиги тўғрисидаги область гидрометеорология бюроси тасдиқлаган справкани, табиий офат зарарини қоплаш учун тегишли жойларга ёрдам сўраб ёзилган хатларни кўрсатди, район аҳолиси бир неча кундирки газсиз, электр энергиясиз қийналаётганлигини гапириб берди.

— Бундай нохуш аҳвол юз бермаслиги учун қандай тадбирлар белгиланяпти?

— Гапнинг рости, биз районда газлаштириш идораси ва электр тармоқлари ташкилоти йўқлигидан қийналяпмиз. Биз бу масалани яқинда депутат сўрови сифатида область сессиясига кўндаланг қўймоқчимиз.

Дўппи тор келиб қолганда, масалани «кўндаланг қўйиш» район раҳбарлари эсига келиб қолди. Тўғрисини айтганда, сайловчилар наказларини бажариш борасида райондаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишини марказлаштириш юзасидан халқ депутатлари район Совети ҳали ўз ваколатлари доирасида етарли иш олиб бораётгани йўқ. Зеро, районда ҳал қилиниши лозим бўлган турли хил муаммолар бу қадар ортиб кетмаган бўларди.

Район мутахассислари «қўшҳокимиятчилик» деб таъриф берган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарлик услуби тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. **«Голодностепстрой»нинг янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси ва район агросаноат бирлашмаси муштарак мақсадни кўзлаган ҳолда ҳамкорликда иш юритишлари лозим. Ваҳолонки, совхозлар томонидан ўтказиладиган даромаднинг бир қисми вақтида берилмаслиги оқибатида кўп ҳолларда РАПО ҳисобида пул бўлмаяпти. Чунки, моддий ресурслар фақат бошқарма ихтиёрида, ахир! Шу боис кўп ҳолларда РАПО бошқармага «ишонади», бошқарма РАПОга. Икки орада иш чала қолиб, ижросига келганда яна РАПО бошқармага, бошқарма РАПОга ағдаряпти. Суҳбатдошларимизнинг киноя аралаш «қўшҳокимиятчилик» дейишаётганликлари сабаби шунда.**

Дарвоқе, бундан икки йил олдин райондаги муаммоларни оператив ҳал этиш учун «Голодностепстрой» ва район раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирокида нуфузли бир штаб тузилган эди. Дастлабки кезларда штаб бир қатор тадбирларни амалга оширишга киришди. Лекин, 1985 йилнинг охирига келиб у ишламай қўйди. Энди эса районда ундан ҳам нуфузлироқ область штабини тузиш зарурга ўхшайди. Шундагина, иш юришиб кетармиди?

Хуллас, Меҳнатобод РАПОси ёрдамга муҳтож. Область агросаноат комитети ва «Голодностепстрой» бошқармаси районнинг хўжалик, социал-маданий қурилиши муаммоларини чуқурроқ таҳлил этишлари, уларни тезроқ ҳал қилиш тадбирларини кўрмоқлари керак.

**Ҳ. ХАЛИЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

